

САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАРДА ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШНИНГ АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 22 сентябрь куни Нью-Йорк шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 80-юбилей сессияси тадбирлари доирасида бир қатор нуфузли делегациялар раҳбарлари, халқаро ташкилотлар ва йирик компаниялар етакчиларини қабул қилди.



Donald J. Trump
@realDonaldTrump

Earlier this month I spoke with the Highly Respected President of Uzbekistan, Shavkat Mirziyoyev. Today I want to congratulate President Mirziyoyev on signing a GREAT Deal with Boeing! Worth over \$8 Billion Dollars, Uzbekistan Airways is purchasing 22,787 Dreamliners. This will create over 35,000 jobs in the United States. President Mirziyoyev is a man of his word, and we will continue to work together on many more items! Thank you for your attention to this matter.

1.2k ReTruths

4.85k Likes

9/22/25, 6:29 PM

АҚШ Президенти Дональд Трамп “Truth Social” ижтимоий тармоғидаги саҳифасида қуйидаги постни ёзиб қолдирди:
“Шу ой бошида мен Ўзбекистон Президенти ҳурмагли Шавкат Мирзиёев билан суҳбатлашган эдим. Бугун мен Президент Мирзиёевни “Boeing” билан УЛКАН битим имзолагани билан табриклайман! “Uzbekistan Airways” 8 миллиард доллардан ортиқ маблаг эвазига 22 та 787 Dreamliner самолётини харид қилади. Бу Қўшма Штатларда 35 000 дан ортиқ иш ўринларини яратади. Президент Мирзиёев — бир сўзли инсон ва биз бошқа кўплаб масалалар устида биргаликда ишлашда давом этамиз! Бу масалага эътиборингиз учун ташаккур”.



Халқаро валюта жамғармаси бошқарувчи директори Кристалина Георгиева билан учрашувда ушбу нуфузли глобал тузилма билан шерикликни кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.


Жамғарма билан макроиқтисодий сиёсат, бюджет ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш соҳаларида самарали ҳамкорлик қилинаётгани мамнуният билан қайд этилди. Мутахассисларимиз ХВЖ

Учрашув давомида пул-кредит ва фискал сиёсатни ривожлантириш, статистика тизимини трансформация қилиш бўйича жамғарманинг экспертлик кўмагини давом эттириш, шунингдек, иқтисодий идоралар

Колорадо геология мактаби вице-президенти Жон Бредфорд, “FLSmith” компанияси катта вице-президенти Питер Фланаган, “McKinsey” компаниясининг катта ҳамкори ва Марказий Осиё бўйича офи-

ҳамкорликни янада кенгайтиришнинг амалий жиҳатлари кўриб чиқилди. “Tгахус” муҳим хомашё ва минераллар, шу жумладан, энергетик ўтиш учун зарур бўлган хомашё ва минералларни етказиб


Муҳим минералларни қазиб олиш, қайта ишлаш ва барқарор етказиб бериш занжирларини яратиш соҳасида илгор технологиялар ва билимларни жорий этиш бўйича битим ва “йўл харитаси” қабул қилинди.



ХВЖ раҳбари Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган янгиланишларга юксак баҳо бериб, ортга қайтмас ислохотларни қатъий қўллаб-қувватлашини таъкидлади.

марказларида мунтазам равишда малака ошириш дастурларидан ўтмоқда. Жорий йилда мамлакатимиз молия соҳасининг барқарорлиги биргаликда баҳоланди ва “йўл харитаси” қабул қилинди.

ходимлари учун ўқув дастурларини кенгайтириш юзасидан келишувларга эришилди. АҚШнинг етакчи компаниялари раҳбарлари билан учрашувда “Tгахус” компанияси директорлар кенгаши раиси Алан Доктер,



си раҳбари Ермолай Солженицин ва “Go Green Partners” компанияси бош директори Михаил Седой қатнашди. АҚШнинг ушбу етакчи компания ва ташкилотлари билан ўзаро манфаатли

бериш бўйича жаҳон етакчиларидан бири ҳисобланади. Компания билан биргаликда геология-қидирув ва конларни ўзлаштириш соҳасида 1 миллиард долларлик истиқболли лойиҳалар портфели шакллантирилган.

Колорадо кончилик мактаби тоғ-кон саноати учун мутахассислар тайёрлаш бўйича етакчи муҳандислик университети-тидир.

➔ Давоми 2-бетда

ИККИ ТОМОНЛАМА АЛОҚАЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШ
МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

ДУНЁДА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ
ОРЗУ ЭМАС, ҚЎЛИМИЗ ЕТАДИГАН МАҚСАД

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 22 сентябрь куни Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқот қилди.

ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ БУНИ ЯҚҚОЛ ИСБОТЛАЙДИ

Давлатимиз раҳбари Туркменистон Президентини таваллуд куни билан самимий табриклаб, унга мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, қардош туркман халқига тинчлик-осойишталик ва равнақ тилади. Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди. Фаол сиёсий мулоқот ва самарали идоралараро алоқалар йўлга қўйилгани катта мамнуният билан қайд этилди. Товар айирбошлашни қўпайтириш, саноат ва энергетикада кооперация лойиҳаларини илгари суриш масалаларига алоҳида

эътибор қаратилди. “Шовот — Тошовуз” савдо зонаси қурилиши якунланмоқда. Ўзбекистонда Худудлар форуми, кўргазма, Туркменистон маданияти ва киноси кунларини ўтказиш режалаштирилган. Минтақавий кун тартибининг долзарб масалалари ва бўлажак олий даражадаги тадбирлар режаси ҳам кўриб чиқилди. Мулоқот сўнггида давлатимиз раҳбари Туркменистон Президенти ва халқини яқинлашиб келаётган Мустақиллик куни билан самимий табриклади.

ЎЗА

Жорий йил 17-18 сентябрь кунлари Наманган шаҳрида бўлиб ўтган “Камбағалликдан фаровонлик сари” III халқаро форуми шу кунларда жаҳон ҳамжамияти диққат-эътиборида бўлиб турибди. Мазкур тадбирда 500 дан ортиқ меҳмон, хусусан, Ислон тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, БМТ тузилмалари, Жаҳон банки, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги, Халқаро меҳнат ташкилоти раҳбарлари ва юқори мартабали вакиллар, шунингдек, қатор ҳамкор давлатлар делегациялари иштирок этгани тадбирнинг аҳамиятидан далолат беради.

Форумда Президентимиз нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, бугун дунё миқёсида кечаётган мураккаб геосиёсий вазиятга қарамай, мамлакатимизда камбағалликка қарши кураш давлат сиёсати даражасига олиб чиқилиб, умуммиллий ҳаракатга айланди. Бу жараёнда барча ислохотлар “Инсон қадрини унун” тамойили асосида амалга оширилаётгани муҳим самаралар бермоқда. Сўнгги саккиз йилда одамларнинг ҳақ-хуқуқини ҳимоя қилиш, уларни муносиб иш жойи билан таъминлаш, даромадини ошириш, турмуш шароитини яхшилашга қаратилган улкан ишлар қилинди.

➔ Давоми 3-бетда



ДУНЁДА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСКАРТИРИШ

ОРЗУ ЭМАС, ҚЎЛИМИЗ ЕТАДИГАН МАҚСАД

ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ БУНИ ЯҚҚОЛ ИСБОТЛАЙДИ



Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Бошланиши 1-бетда

Хар бир инсон, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар ўз салоҳиятини тўлиқ намоён этиши учун шароит яратиш ва имкониятларни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Узоқни қўзлаган ва инсон манфаатлари биринчи ўринга қўйилган шундай ижтимоий ислохотлар натижасида ҳозирги кунда Барқарор ривожланиш мақсадларининг қарийб ярмига эришилди, уларнинг 70 фоизига ижобий натижа қайд этилди.

Глобал ҳамжамият 2030 йилгача дунёда камбағалликка барҳам бериш, атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт”га ўтиш, тинчлик ва фаровонлигини таъминлашда халқаро ҳамкорликни кучайтириш каби жиҳатларни муҳимлаштирган Барқарор ривожланиш мақсадларини қабул қилган. Бироқ сўнгги йилларда жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган мураккаб шароитлар оқибатида ҳозирги кунга келиб глобал миқёсда ушбу мақсадларнинг атиги 18 фоизига эришилган.

Шундай мураккаб вазиятда юртимизда бу борадаги ўзига хос натижалар юксак эътирофга сазовор бўлмоқда. Зеро, экспертлар қайд этганидек, камбағалликни қисқартириш кенг қамровли жараён, бу йўналишда иш олиб бориш ва бирор натижага эришиш учун ҳар бир давлат қўллаб-вазифаларни самарали ҳал этиши лозим. Мамлакатимизда бу йўналишда амалга оширилаётган “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури ана шундай муҳим жиҳатларни ўзида мужассам этгани билан аҳамиятли.

Ушбу дастур доирасида белгиланган чора-тадбирлар тизимли асосда амалга оширилиши натижасида иқтисодиёт ҳажми 2 баробардан зиёд, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ҳажми эса 1,8 баробар қўпайди. Халқаро молия ва ривожланиш ташкилотлари билан биргаликда ўтказилган мулоқотлар ва ўрганишлар натижасида мамлакатимизда минимал истеъмол харажатлари ҳамда камбағалликни ҳисоблашнинг миллий мезони ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди.

Мазкур даврдан буён камбағаллик даражаси қарийб 3 баробар қисқариб, 2025 йил якунида 6 фоизгача пасайиши кутилмоқда. Бунда қишлоқ ҳудудларда камбағаллик даражаси шаҳарлардагига нисбатан тезроқ суръатда пасайиб, 2021 йилдаги 19,8 фоиздан 2024 йилда 9,2 фоизга тушди. Шаҳарларда камбағаллик даражаси эса ушбу даврда 13,9 фоиздан 8,6 фоизга қисқарган.

Шунингдек, камбағалликни қисқартиришда маҳалланинг ролини ошириш мақсадида тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари институти ва “маҳаллабай” ишлаш тизими йўлга қўйилди.



“

Камбағалликни қисқартиришда аҳоли бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш асосий драйверлар сифатида белгиланди. Хусусан, сўнгги йилларда тадбиркорлик субъектлари сони 2 баробар ортиб, 1,2 миллионга, кичик тадбиркорлик билан ўзини ўзи банд қилганлар сони эса 5,5 миллионга етди.

Камбағалликни қисқартиришда аҳоли бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш асосий драйверлар сифатида белгиланди. Хусусан, сўнгги йилларда тадбиркорлик субъектлари сони 2 баробар ортиб, 1,2 миллионга, кичик тадбиркорлик билан ўзини ўзи банд қилганлар сони эса 5,5 миллионга етди. Ишсизлик даражаси 5,5 фоиз атрофида сақланмоқда. Юртимиз аҳолиси йилга ўртача 700-800 минг нафарга ошиб бораётгани фонида инсон капиталини

ривожлантириш, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш кун тартибидagi асосий масалалардан бирига айланган.

Сўнгги 7 йилда мактабгача ва мактаб таълими соҳаси учун ажратилган маблаг ҳажми 7 карра оширилиб, мактабларда 1 миллионга яқин ўқув ўрни яратилди. Мактабгача таълим ташкилотлари сони 8 баробар ортиб, қамров даражаси 78 фоиз-

га қўтарилди. Камбағал оилалар фарзандлари боғча тўловларидан тўлиқ озод қилинди.

Олий таълим қамрови 9 фоиздан 42 фоизгача ошиб, олий таълим муассасалари сони 6 баробар қўпайди. Камбағал оилалар фарзандлари ҳамда хотин-қизларнинг сифатли таълими олиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида фоизсиз таълим кредитлари ажратилмоқда.

АҲОЛИНИ ДАРОМАДЛИ ҚИЛИШДА ҲАР БИР ХУДУДНИНГ ЎЗ ЙЎНАЛИШИ ПАЙДО БЎЛДИ

Ботир ЗОҲИДОВ,
камбағалликни қисқартириш
ва бандлик вазири:

— “Камбағалликдан фаровонлик сари” III халқаро форуми кўтаринки кайфиятда ва юксак ишчанлик руҳида ўтди. Унда етакчи экспертлар, олимлар ва қўллаб-қувватловчи иштакор эгтани дунёда тинчлик ва тараққиётга эришиш йўлида савий-харақатларни бирлаштириш, аҳоли фаровонлигини ошириш билан боғлиқ долзарб масалаларни чуқур таҳлил этишда муҳим омил бўлди. Айниқса, Президентимизнинг нутқида бу борада илгари сурилган муҳим гоя ва ташаббуслар барчанинг эътиборини тортди.

Камбағалликни қисқартириш кенг қамровли жараён бўлиб, бунинг учун бир қанча йўналишларга эътибор қаратиш талаб этилади. Бу борада Ўзбекистон тажрибасини таҳлил этсак, бунинг муҳияти янада ойдинлашади. Сир эмас, юртимизда мазкур ишлар бошланганда аҳолининг учдан бир қисми камбағаллик ҳолатида яшарди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бу борада янги ташаббус ва тажрибалар синовдан ўтказилиб, дунёдаги ижобий ютуқлар ўрганилиб, камбағалликни қисқартириш бўйича янги Ўзбекистон модели яратилди. Илгирги ислохотлар натижасида бугунги кунга келиб, аҳолини камбағалликдан чиқариш ва даромадли қилишда ҳар бир ҳудуднинг ўз тажрибаси пайдо бўлди. 7,5 миллион аҳоли камбағалликдан чиқарилиб, камбағаллик даражаси 2024 йилда 8,9 фоизга туширилди. Йил якунигача уни 6 фоизгача камайтириш мақсад қилинган.

Албатта, қисқа муддатда бундай натижаларга эришиш ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Бунда жамиятнинг энг қуйи бўғинигача тушиб, “маҳаллабай” ишлаш тизими йўлга қўйилган, ҳар бир хонадон, оила билан индивидуал режа асосида ишланаётгани самарасини бермоқда.

Камбағалликни қисқартиришда аҳолининг меҳнат бозори талабларига мос кўникмаларга эга бўлиши муҳим. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирилик тизимидаги касбий кўникмалар марказлари ҳамда хусусий таълим ташкилотлари билан ҳамкорликда камбағал ва



ишсиз аҳолини касб-хунар, тадбиркорликка ўқитиш охириги 8 йилда 25 баробар оширилди. Хусусан, 2017 йилда 7 минг ишсиз аҳоли касб-хунарга жалб қилинган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида 170 минг аҳоли ушбу жараёнларга қатнашти. Йил якунига қадар бу қамров 230 минг нафарга етказилди.

Таълим сифатида алоҳида эътибор қаратилиб, жорий йилнинг ўзида таълим тизимидаги 64 та касбий кўникмалар марказининг 200 га яқин ўқитувчиси хорижий давлатларда малака оширди. Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (КОИСА) билан ҳамкорликдаги ўқув марказлари сони 5 тага етказилди. Ушбу марказлар биттирувчиларида 95 фоиз иш топиш ва 97 фоиз иш беришларига томонидан қаноатлантириш даражаси қайд этилмоқда.

Бу йил грант маблағлар ҳисобидан Хоразм вилояти касбий кўникмалар минтақавий маркази қурилди ҳамда жиҳозланди. Шунингдек, Жаҳон банки билан ҳамкорликда автомобиллар, шу жумладан, электромобилларга техник хизмат кўрсатиш йўналишида 10 та

вилоятдаги касбий кўникмалар марказлари ўқув жиҳозлари билан таъминланди.

Меҳнат бозори талаблари асосида жорий йилнинг ўтган даврида 12 та янги касбга ўқитиш йўлга қўйилди. Жорий йил февраль ойидан бошлаб камбағал ва ишсиз аҳолини ваучер тизими асосида касб-хунарга ўқитишга киришилди. Мазкур тизим орқали аҳолини ўзи танлаган касбий таълим муассасаларида ўқитиш имконияти яратилди.

Рақамли технологиялар вазирилик билан ҳамкорликда ҳудудларда камбағал оила аъзолари учун ахборот технологиялари йўналишида ўқув курслари ташкил этилди. 4 та йўналиш бўйича 168 минг ёш, шундан, камбағал оилаларнинг 36 минг фарзанди ўқитилди. Келгусида камбағал оилалар аъзоларини қамраб олиш улуши 40 фоизга етказилди.

Келгусида бу борадаги ишлар янада кенгайтирилиб, корхоналар билан яқин ҳамкорлик, таълим дастурларини бозорга мослаштириш, вақансияларни рақамли платформада очик билдириш йўли билан кўникмалар бозор талабларига мослаштирилади. Тошкент шаҳрида “Креатив соҳалар кластери” ташкил этилмоқда.

Хорижий молия институтлари билан ҳамкорлик давом эттирилади. Жумладан, Жаҳон банки билан биргаликда 10 минг аёл бизнес кўникмаларга ўқитилади. Улар ўз бизнесини ташкил қилиш учун грант ажратилади. Вазирилик тизимидаги қатор касбий кўникмалар марказлари ҳар бир ҳудуд ихтисослашувида келиб чиқиб, аниқ бир соҳага йўналтирилади.

Ана шундай кенг қамровли лойиҳа ва имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда 2030 йилга бориб Ўзбекистонда камбағалликка тўқила барҳам беришни мақсад қилганмиз.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ
ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Интервью

АЁЛЛАР ҚАДР–ҚИММАТИНИ УЛУҒЛАШ УСТУВОР МАСАЛА



Мукаррама НУРМАТОВА,
Оила ва хотин-қизлар қўмитаси
раиси ўринбосари:

— Камбағалликка қарши курашиш бугунги кунда бутун дунёда долзарб вазифага айланган. Зеро, халқаро ҳамжамият бу борада қатъий чоралар қўришига қарамай, муаммо тобора чуқурроқ илдириб отмоқда. Бир томондан, дунёдаги нотинчликлар, низолар, иккинчи томондан, экологик муаммолар вазиятни янада оғирлаштирмоқда.

Ушбу ноҳус ҳолатлардан аҳолининг энг оғир қатлами ҳисобланган аёллар ва болалар кўпроқ азият чекаётгани янада таъминлаш, шу боис, дунёда барқарорлик ва тараққиётга эришиш, тинч-осойишта ҳаётимизга соя соладиган ҳолатларни тезроқ бартараф этиш зиммаларида муҳим вазифадир.

Камбағалликка қарши курашиш масалаларига бағишлаб юртимизда ўтказилган халқаро форум айна шу жиҳатдан ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ушбу тадбирда қўллаб-қувватловчи қаторида хотин-қизлар ҳуқуқини ҳимоялаш, бандлигини таъминлаш, жамиятда фаоллигини ошириш юзасидан қизгин фикр алмашилди. Бу бежиз эмас. Чунки ҳар бир давлат ва жамият ривожига, аввало, аёллар учун яратилган шароитлар, интилиши ва салоҳиятини рўёбга чиқариш билан боғлиқ имкониятлар орқали баҳоланади.

Шу боис, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ таъминлаш, қадр-қимматини улуғлаш янги Ўзбекистон сиёсатида устуворлик қилмоқда. Бу жараёнда аёлларни ижтимоий ҳимоялаш, бандлигини таъминлаш, таълим олиши, оила ва жамиятда ўз ўрнини топиши учун барча шароитлар яратилипти.

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурида ҳам аёлларни жамиятнинг фаол аъзосига айлантириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш, таълим олишига қўмаклашиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хотин-қизлар олий таълим масканларида ўқитиш учун фоизсиз кредит ажратилиб, магистратурада бепул таълим олиши йўлга қўйилди. Бугунги кунда талабаларнинг 53 фоизини хотин-қизлар ташкил этаётгани, шу йилнинг ўзида 1 миллион 700 минг аёл ишли бўлгани қувонарлидир.

Бу ишлар илгирги давом эттирилиб, “Рақамли авлод қизлари” дастури доирасида 50 минг қизни ахборот технологиялари, финтех ва сунъий интеллектга ўқитиш кўзда тутилган.

Хотин-қизлар жамиятнинг барча бўғинларида ўз ўрнини топишига қўмаклашиш доимий эътиборда. Жумладан, бу йил аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш учун 1,5 миллиард доллар ажратилди. Келгуси йил ушбу маблаг янада қўпайтирилиб, 2 миллион аёл доимий даромадли бўлиши учун шароит яратиш режалаштирилди.

Аҳоли турмуш даражасини юксалтириш ва яшаш шароитини яхшилаш мақсадида кейинги 8 йилда 12 мингта кўп қаватли уй-жой қурилиб, уларнинг умумий майдони 31 миллион квадрат метрдан ошди. 56 та ҳудудда 135 мингта хонадондан иборат “Янги Ўзбекистон” массивлари барпо қилинмоқда.

Форумда халқаро экспертлар мамлакатимизда ушбу ислохотлар самараси хусусида тўхталар экан, дунёда камбағалликни қисқартириш орзу эмас, қўлимиз етадиган мақсад экани, Ўзбекистон тажрибаси бунинг яққол ифода этишини алоҳида эътироф этиди.

Икки кун давом этган форумда шу йўналишда юртимизда эришилаётган натижалар, бу жараёнда халқаро ҳамкорлик хусусида фикрлашилди. Тадбир доирасида камбағалликни қисқартиришда янги йўналишларни белгилаш, мавжуд муаммоларга замонавий ва самарали ечим топиш, Ўзбекистонда ортирилган тажрибани халқаро ҳамжамият билан ўртоқлашиш мақсадида алоҳида муҳокамалар ташкил этилди.

Шунингдек, форум доирасида қатор ҳамкорлик битимлари, шартнома ва меморандумлар имзоланди. Наманган вилоятида тадбиркорликни ривожлантириш ва “маҳаллабай” ишлаш тизимида қилинган ишлар, амалий натижалар билан танишиш мақсадида маҳаллалар ва кўрганмаларга таширлар уюштирилди.

Бир сўз билан айтганда, ушбу халқаро форум камбағалликни қисқартириш, инсон капиталини ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини яхшилаш каби долзарб масалаларни ҳал этишда халқаро мулоқотни кучайтириш ва ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, илгор тажрибаларни омма-лаштиришда муҳим платформа вазифасини ўтади.

Албатта, узоқни қўзлаб ва халқимиз, келажак авлодларимиз учун фаровон ҳаётни барпо этиш йўлида бу ислохотлар бераётган самараларни кўриш барчамиз учун фараҳлидир. Масалан, 2017 йилда бошқарув соҳасида хотин-қизлар ўртача 20 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозир бу рақам 35 фоизга етди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг 38 фоизини, Сенат аъзоларининг 27 фоизини аёллар ташкил этмоқда.

Бундан бир неча йиллар илгари аёллар орасидан йирик тадбиркорлар чиқиб, катта-катта корхона ташкил этиди, ўз бизнесини йўлга қўйиб, ҳам ўзи, ҳам ўзгаларга манфаат келтиради дейилса, ишончи қийин бўларди. Бугун бу ҳаёт ҳақиқатида айланди. Опа-сингилларимиз орасидан катта тадбиркорлар, ишбилармонлар чиқиб, жамиятимиз ривожига ўз улушини қўшмоқда. Миллий статистика қўмитаси маълумотлари фикримизни яққол исботлайди.

Унда қайд этилишича, 2025 йилнинг 1 январь ҳолатига Ўзбекистонда тадбиркор аёллар раҳбарлигидаги кичик корхона ва микрофирмалар сони 43 минг 860 тани ташкил этган. Тадбиркор аёлларимиз, айниқса, хизматлар, савдо, саноат ва бошқа иқтисодий фаолият турларида анча фаол. Аёл раҳбарлар бошқарувидagi кичик корхона ва микрофирмаларнинг маҳсулот сотишдан тушган соф даромади 47,7 триллион сўмини ташкил этиб, ўтган йилнинг мос давридагидан қарийб 10,1 триллион сўм ошган.

Юртимизда айни пайтда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, бандлигини таъминлаш борасидаги чора-тадбирлар илгир давом этилтипти. Шу билан бирга, аёлларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, меҳнат бозорида аёллар учун тенг шароит яратиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Келгуси йилдан шу мақсадда ижтимоий сугурта тизими қамровини кескин ошириш кўзда тутилмоқда. Бу эса аёлларнинг камбағалликка тушиб қолмаслигини кафолатлайди.

Давлатимиз раҳбари форумда сўзлаган нутқида ана шу жиҳатларга ҳам эътибор қаратиб, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини янада ошириш бўйича янгидан янги тажрибаларни ўртоқлашиш мақсадида келгуси йил Наманганда ўтадиган Осиё ишбилармон аёллари форумига барчани таклиф қилди. Албатта, бу шунинг англатиши, мамлакатимизда инсон қадри ва манфаатлари ҳимоясига йўналтирилган ислохотлар илгир давом этади. Бу эзу ишлар, энг аввало, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, фаоллигини янада оширишга туртки бўлади. Аёллар фаоллиги ошиб бориши эса жамият ривожига қимат қилади.



Рисолат МАДИЕВА
“Янги Ўзбекистон” мухбири

“СЎЗ ЛАТОФАТИ”ДАН “СЎЗ ХУСУСИДА СЎЗ”ГА

Азиз муштарий!
Бирмунча вақт аввал газетамиз саҳифалари орқали сиз билан Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидовнинг ўзбек тилининг гўзаллигини тараннум этувчи “Сўз латофати” китоби мутлоасини тугатган эдик. Таҳририят газетхонлар талаб ва истакларидан келиб чиқиб ҳамда муштарий ва кузатувчиларимиздаги мутлоага чанқоқлик, тилимиз ва сўз бойлигимизга эътибордан руҳланиб, бу хайрли ишни давом эттиришга қарор қилди.

Мазкур сондан эътиборан, яна бир дурдона асар — “Сўз хусусида сўз” китобидаги битиклар муштарийларимизга завқли онларни тортиқ этади. Муаллиф — Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, адабиётшунос олим Алибек Рустамов (Рустамий)нинг ушбу рисоласи 1987 йилда 40 минг нусхада chop этилган эди. Ҳамон муҳим ва долзарблигини сақлаб турган “Сўз хусусида сўз”да атоқли олим ўзлигимизни, она тилимизни юксак меҳр-муҳаббат билан тараннум этади. Шу ўринда муаллиф ҳақида икки огиз сўз. Алибек Рустамов атоқли тилшунос

ва адабиётшунос олим, филология фанлари доктори, академик. 1931 йили Тошкент вилоятида хизматчи оиласида туғилган. Меҳнат фаолиятини 1955 йили Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтида илмий ходим сифатида бошлаган. Ўзбек тили ва адабиётини ҳар томонлама ўрганиш ва тадқиқ этиш борасидаги илмий фаолияти учун 1995 йилда Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланган. Қарийб 60 йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти илмий котиби,

Ўзбекистон Миллий университети доценти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳамда Тошкент давлат шарқшунослик институти кафедра мудири ва профессори каби вазифаларда самарали меҳнат қилиб, илм-фанимизни ривожлантириш, юксак ма-лакали филолог кадрлар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшган. Таниқли олимнинг ўзбек филологияси, шарқшунослик, матншунослик ва таржи-машуносликнинг долзарб масалаларига оид монография ва рисоалари, кўплаб илмий-публицистик мақолалари кенг жа-моатчиликка яхши маълум. Айниқса, буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг бебаҳо меросини чуқур ўрганиш, унинг ижодидаги илгор ғояларни эл-юртимиз ўртасида кенг тарғиб этишда Алибек Рустамовнинг хизматлари алоҳида эъти-борга лойиқ. Устоз олим қаламига мансуб “Навоий тилининг грамматик хусусиятла-ри”, “Навоийнинг бадий маҳорати” син-гари китоблар илмий теранлиги ва таъсир-чанлиги билан ажралиб туради.

Яқинда, аниқроғи, жорий йил 23 август-да Президентимизнинг фармонига кўра, бир гуруҳ марҳум олим ва ижодкорлар қаторида Ўзбекистон Фанлар академияси академи-ги, адабиётшунос олим Алибек Рустамов (Рустамий) ҳам “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан мукофотланди. “Сўз хусусида сўз” китоби олимнинг ма-шаққатли меҳнати ва изланишлари маҳсули-дир. Юқорида китоб муҳим ва долзарблиги-ни сақлаб тургани ҳақида тўхталган эдик. Зеро, мамлакатимиз ривожланишининг янги даврига қадам қўйгач, тилимизга эътибор ҳам тубдан ўзгарди. Давлатимиз раҳбари тилимизга эҳтиром ва садоқати она ватанга эҳтиром ва садоқат деб билиш тамойилини илгари сурди. Натижада ўзбек тилининг дав-лат тили сифатида такомиллашуви бораси-даги қўламли ва самарадор ишлар ўзининг юқори босқичига чиқди. Президентимизнинг 2019 йил 21 октябр-да имзоланган “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги,

2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбир-лари тўғрисида”ги фармонларида ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш, илмий асосланган янги сўз ва атамалар мунтазам равишда расмий муомалага киритиб борилиши бўйича вазифалар белгиланди. Жорий йил август ойи аввалида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамалар комиссия-си ана шундай илмий асосланган янги сўз

ва атамаларнинг бир туркумини (40 та бир-лик) қўриб чиқиб, уларни расмий муомалага киритиш юзасидан қарор чиқарди. Айтиш жоизки, ҳали мустабид тузум ҳукмрон давр-ларда ёзилиб, кенг оммага ҳавола этилган “Сўз хусусида сўз” китобида ушбу сый-ҳа-ракатларнинг илк кўринишлари жо бўлган. Халқимизнинг бебаҳо мероси сифатида баҳоланган мазкур китоб мутлоасига хуш келибсиз!

ТАҲРИРИЯТ

ТИЛ ШАРОФАТИ (“СЎЗ ХУСУСИДА СЎЗ” КИТОБИДАН)

Тилнинг моддий жиҳати товушдир, ёзувда харф. Лекин харф товушга нисбатан иккиламчи ҳодиса. Табиий тилларнинг ҳаммаси товушдан иборат бўлиб, харф товушнинг замон ва масофасини кенгайтириш учун пайдо бўлган белгидир.

Товуш табиятан ҳаво тўлқинларидан иборат бўлгани учун у жонсиз табиий ҳодисаларга ўхшайди. Аммо тил товуши оғиздан чиқиб қулоққа эшитилади. Мана шу айтилиш ва эшитилиш жиҳатдан у ҳар бир кишига хос-дир. Аммо тил яқна шахсга хос туғма ҳодиса-ларга қирмайди. Чунки тил мавжуд бўлиши учун кўпчилик, жамият бўлиши шарт. Масала, киши болаликдан одамлар орасида ўсма-са, у умуман тил билмайди. Одамлар орасида ўсганда миллатидан қатъи назар, қайси халқ орасида ўсса, шу халқ тили унга она тили бўлади. Инглиз Арабистонда катта бўлса, араб тилини билиб, инглиз тилини билмайди. Агар араб Англияда улғайса, инглиз ти-лини билиб, араб тилини билмайди. Араблар орасида ўсган инглиз ўз халқининг тилини ўрганмоқчи бўлса, уни чет тили каби ўргана-ди. Инглизлар орасида вояга етган араб ҳам ўз халқининг тилини ўрганишни истаса, уни чет тилини ўргангандай ўрганади.

Демак, тил табиий ҳодиса ҳам, яқна киши-га хос ҳодиса ҳам эмас экан. Тил фақат бир жиҳати, яъни товуш томони билан табиий, яна бир жиҳати — нутқий қўбилиш томони билан яқна шахсга хос. Аммо моҳият эътибори билан жамият маҳсули бўлиб, ижтимоий ҳодиса экан.

Тил жуда катта маърифий аҳамиятга эга. Мавжудотнинг моҳиятини, ҳақиқатини би-лиш “маърифат” дейилади. Тилнинг илмий аҳамияти оддий билим билан чекланмай, маърифатни, яъни билишнинг энг олий мар-табасини ҳам ўз ичига олади. Дунёга келган ҳар бир бола ҳақиқий ин-сон бўлиб етишиш учун у жуда кўп нарсалар-ни билиши керак. У ўзинга керакли билимни қўриб, эшитиб ва ўқиб ўрганади. Эшитиб ва ўқиб ўрганиш тил воситасида амалга ошади ва унинг имконияти чексиздир. Агар тил бўл-май, ҳар бир кишининг тирикчилиги унинг ўз тажрибасига асосланган бўлса эди, инсон шу кунгача ҳайвон қандай яшаса, шундай яша-ган ва бугунги моддий ва маънавий тарақ-қиётга эришмаган бўларди.

Тилнинг биринчи маърифий аҳамия-ти шундан иборатки, тил туфайли жамият аъзоларининг ҳар бирида ҳосил бўлган би-лим оммалашиб, унинг кўпчилиги томонидан ривожлантирилишига имкон туғилади. Ундан ташқари, тил туфайли инсон авлоддан авлод-га оғзаки ва ёзма таразда қолдирилади, нати-жада янги авлод ўтган авлоднинг ишини ян-гидан бошламасдан, уни давом эттиради. Бу билан яна тараққиёт таъминланади. Жаҳон классикаларининг ҳар бир объекти тарихан ўрганиш лозимлигига катта аҳамият бериш-ларининг сабаби ҳам шунда.

Тил илм олишда замон ва макон говини ўртадан кўтараяди. Тил туфайли энг қадимги маълумотларга эга бўламиз, ҳатто келгусига оид маълумотларни ҳам оламиз. Коинотнинг

ҳамма еридаги маълумотни сўз билан ифода-лаб, билмаганга билдириш мумкин. Ҳар бир ўқувчи мактабда қанчадан қан-ча билим олади. Шу билимларни олишга тил туфайли муяссар бўлади. Акс ҳолда, ҳар бир ўргатилётган нарсани, ҳеч бўлмаганда унинг суратини ўқувчига кўрсатиш керак бў-лар эди. Бу албатта жуда кўп вақтни ва жойни талаб қилар эди. Бугина эмас, биз тил туфайли сезги аъзо-лари билан билиб бўлмайдиган нарсаларни ҳам ўрганамиз. Кўриниши, шакли бор нарса-ларнинг акси онгимизга ўрнашиши мумкин, лекин шаклсиз нарсаларни биз фақат сўз шаклида ўзлаштираемиз. Худди шунингдек, мавжудотнинг кўринмас ички жиҳатларини ҳам сўз шаклида ўзлаштирамиз ва тил воси-таси билан ўзгаларга тушунтирамиз. Тилини ўрганиш ва ўргатишни жуда осон-лаштирадиган яна бир жиҳати шундаки, у умумлаштириш хусусиятига эга. Сўз ёрдами-да биз мавжудотни ўрганиб, умумий тушу-нчалар ҳосил қиламиз ва бу тушунчалар мав-жудотнинг умумий хоссаларини ўрганишга, ҳатто уларнинг ҳақиқатини идрок этишга имконият туғдиради.

Тил туфайли биз ҳақ билан ноҳақни, яхши билан ёмонни бир-биридан фарқлашни ўрга-намиз. Шундай қилиб, тил жуда катта маърифий аҳамиятга эга экан. Аммо тилнинг аҳамияти



қўкламни олинг: оқ чойшабага ўралиб ухлаб ётган ер устидан сабо, яъни шарқдан эсади-ган илик, табиатни уйғотувчи ел қор кўрпа-сини ер устидан кўтариб, уни кўк кўрпа би-лан бурқайди ва бу кўк бағрида ранг-баранг чечакларни ундиради. Дарахтлар гуллаб, асаларилар гул ширасидан минг дардга даво асаларни ҳозирлашга киришади. Шовқин-суронлар ва замбарак овози бўлмаган, тинч-лик ва осейишталик ҳукм сурган гулзорларда

Бадийлик деб аталувчи нутқ хусни ҳам сўзларнинг бир-бирига товуш ё маъно жиҳатидан ёхуд ҳар икки жиҳатдан муносиблигидан вужудга келади. Бир-бирига муносиб сўзлардан гўзал ибора ва гаплар вужудга келади. Бир-бирига муносиб гаплардан гўзал фаслар, фасллардан боблар, боблардан китоблар яратилади.

Мана шуларнинг ҳаммаси ва уларнинг гў-заллиги тил воситасида акс эттирилади. Бу тилнинг гўзалликини ифодалашдаги хизмати-дир. Аммо тилнинг ўзи ҳам гўзаллик моддаси сифатида сўз усталари томонидан ва умуман, халқ тарафидан фойдаланилади. Чунки тил етук ҳодисалардан бўлиб, унда гўзаллик учун зарур бўлган ҳамма сифатлар мавжуд. Маълум бўлдики, тилнинг икки жиҳат-дан бадий аҳамияти бор экан. Биринчидан, тил табиат ва инсондаги мавжуд гўзаллиқни акс эттириш воситаси бўлса, иккинчидан, тилнинг ўзи гўзаллиқни вужудга келтиради. Шоир ва ёзувчилар ҳамда оддий халқ ораси-даги миллионлаб чечанлар тилнинг бадий имкониятини мазкур ҳар икки жиҳатининг бирдан ёки ҳар иккисидан бирдан фойдала-надилар ва шу билан ўқувчи ёки тингловчига ҳам лаззат бағишлайди.

Тилнинг гўзалликини ифодалаш ёки акс эт-тириш жиҳати қандай амалга ошади? Бунинг жавобини олиш учун аввал “гўзаллик нима?” деган саволга жавоб беришимиз керак. Чун-ки гўзаллиқни ҳар хил тушуниш мумкин. Айниқса, инсондаги гўзаллиқнинг нимадан иборатлигини билиб олиш учун кўп билим ва тажриба лозим. Ҳозирги ўқувчи ўғил-қиз-ларнинг кўпи ота-оналарининг, боғча му-раббийлари ва ўқитувчиларининг, матбуот ва адабиётнинг тарбияси натижасида ёмондан яхшини, хунуқдан чиройлини ажратадиган бўлганлар. Лекин оз бўлса-да, гўзаллиқни, жумладан, инсон гўзаллигини яхши тушу-ниб етмаган ёшлар, ҳатто қариялар ҳам бор. Гўзаллиқка тўғри муносабатда бўлиш ва уни тўғри тушуниш учун, биринчидан, ҳар бир нарсанинг маъносини ёки мазмунини эъти-бордан қочирмаслик ва унинг фақат суварти ёки шакли билан чекланмаслик керак. Ҳар бир нарса ва ҳодисанинг шакли ва мазмуни бўлади. Мазмун бирламчи, шакл иккиламчи-дир. Масалан, кийимни оладиган бўлсак, унинг кўриниши шаклини, қўлайлиги ва ўз вазифасига мувофиқлиги унинг мазмунини ташкил қилади. Кийим, биринчи навбатда,

ноқулай эмас, қулай, соғлиққа зарарли эмас, фойдали бўлиши, тананинг ёпиладиган ерла-рини ёпиб туриши ва кишини ташқи муҳит таъсиридан, совуқдан, намдан, шамолдан ёки қуёш нуридан сақлаши зарур. Ундан кейин-гина у чиройлик шаклга эга бўлиши ва бу шакл унинг вазифасига хилоф бўлмаслиги лозим. Баъзи йиртқич ҳайвонлар кўринишда уй ҳайвонига нисбатан кўркам бўлиши мумкин, аммо моҳиятан зарарли бўлгани учун у ки-шида ҳақиқий гўзаллик завқини уйғотмайди, аксинча, киши кўнглига даҳшат солади ёки уни жиркантиради. Айрим заҳарли ўсимликлар рангдор гули билан, масалан, райхонга нисбатан яхши-роқ кўринишга эга бўлиши мумкин. Аммо

гўзаллиқка муносабати турлича бўлгани учун баъзи шахслар мазкур қонунга хилоф ишлар-ни қиладилар ва ўзларича оқилона иш қилдим деб ўйлайдилар. Аммо кейинчалик ўз қил-мишларига ўқинадилар. Бадагга қилинадиган нинабитиг ва нинанакшлар, уна-элик ва бошқа сунъий пардоз моддаларидан фойдаланиш ва модапарастлик гўзаллиқнинг, айниқса, табиий гўзаллиқнинг моҳиятини англамаслик нати-жасида содир бўлади. Бундай амалларнинг энг қадҳи бу — табиий аъзоларни сунъийлаш-тиришдир. Соғ тилини арралатиб, унга олтин қоплаш шу жумладандир. Афсус, минг афсус-ки, олтин тилини хусн деб билган ёшларимиз соғ табиий тилини металл билан алмаштириш табиий қўли сунъий чарм қўл билан алмаш-тириш билан баробар эканини ҳаёлларига ҳам келтирмайдилар.

Энди тилга қайтайлик. Тил бир жиҳатдан табиат ва инсондаги гўзаллиқни акс эттирув-чи восита бўлса, иккинчи жиҳатдан унда гў-заллиқни вужудга келтирувчи жавҳарлар ҳам мавжуд дедик. Биз тилга гўзаллик жавҳари си-фатида назар соладиган бўлсак, унинг кишини ҳайратлантирадиган даражада етуқлиги бор. Қайси бир тилини олманг, ундаги товуш-лар юзга етмайди. Масалан, ҳозирги ўзбек адабиёт тилида ўттиз битта товуш бор. Ўз-бек тилига тарихан назар солган вақтимизда ёки шевадарини ҳисобга олганимизда кўпроқ бўлади, аммо қирқтадан ошмайди. Мана шу қадар озгина товушдан ўзбек тили тарихида миллиондан ортиқ сўз ясалган ва бу сўз яса-лиши керак бўлган тақдирда чексиз давом этиши мумкин.

Тилнинг мана шу етуқлиги унинг гўзалли-гини ва ундан фойдаланувчининг, яъни сўз-ловчининг ёки ёзувчининг нутқий маҳоратини таъминлайди. Бир нарсани ясаётганда ясовчининг маҳо-ратини ва ясалган нарсанинг гўзаллиги нимада намоён бўлади? Хоҳ табиий, хоҳ сунъий нарсанинг қўрки унинг бўлақларининг бир-бири-га нисбатан борлигидан, муносиблигидан ёки мутаносиблигидан иборатдир. Масалан, бир уйнинг учта деразаси бўлиб, ҳажмда ё шаклда, ё ўрнатилишида уч турли бўлса, бу ҳол ўша уйни хунуқ қилиб қўяди. Агар ўрта-даги дераза бошқача бўлиб, икки ёнидагиси бир хил бўлса, уйнинг кўрки бузилмайди.

Бир кишининг аъзолари бир-бирига нисба-тан катта-кичикликда, шакл ва ўрнашишда қанча мутаносиб бўлса, унинг ҳусни шунача ортиқ бўлади. Агар қўлгои катта, бурни кичик бўлса, икки қонининг бир эгма, иккинчисини тўғри бўлса, икки қўзининг бири юқорироқда, иккинчисини пастроқда бўлса, улар орасидаги нисбат бузилади, натижада ҳусн йўқолади.

Бадийлик деб аталувчи нутқ хусни ҳам сўзларнинг бир-бирига товуш ё маъно жиҳа-тидан ёхуд ҳар икки жиҳатдан муносиблигидан вужудга келади. Бир-бирига муносиб сўз-лардан гўзал ибора ва гаплар вужудга келади. Бир-бирига муносиб гаплардан гўзал фасл-лар, фасллардан боблар, боблардан китоблар яратилади.

Сўзларни маълум тартибга солиб, мисра-лар, мисралардан байту бандлар, байту бан-длардан назмий асарлар ижод қилинади.

Алибек РУСТАМОВ,
филология фанлари
доктори, академик